

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



8 июнь куни Италия Республикаси Президентининг қароргоҳи — Рим шаҳридаги Квиринал саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сарой олдидаги майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул ҳамда отлик гвардия аскарлари саф тортди. Квиринал саройининг минорасида Италия, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи байроқлари кўтарилди.

Биргаликда суратга тушиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла кутиб олди.

Харбий оркестр икки мамлакат миллий маршларини ижро этди.

Фахрий қоровул бошлиғи давлатимиз раҳбарига рапорт берди.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Биргаликда суратга тушиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташриф билан келиш таклифи ва самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Президент Сержо Маттарелла ва Италия халқини кунча ўтган миллий байрам — Республика эълон қилинган кун билан қутлади.

Италия Президенти Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлашни билдирди ҳамда мамлакатимизнинг Марказий Осиёда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш борасидаги сайёҳ-харакатларини юқори баҳолади.

Давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Кейинги йилларда ўзаро товар айир-

бошлаш ва қўшма корхоналар сони икки баробар кўнайди. Юртимизда Италиянинг Pietro Fiorentini, Terra-nova, Danieli, Imagro, Ansaldo, Saipem каби етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Президентлар кунча ўтган бизнес-форум натижаларини мамнуният билан қайд этдилар. Унинг якунида умумий қиймати 9 миллиард евродан зиёд бўлган келишув ва шартномаларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Италиянинг маданий-тарихий меросига бағишланган кўргазма ташкил этишга келишиб олинди.

Бундан ташқари, таълим, археология, экологик хатарларга қарши курашни соҳаларида ҳамкорлик қилиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Тошкентда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари муваффақиятли ишламоқда. Кетма-кет уч йил Ўзбекистон Венециядаги Халқаро биенналеда иштирок этиб келмоқда.

Йил бошидан мамлакатимизга келаётган италиялик сайёҳлар сони 5 қарра кўпайди. Жорий йил апрель ойидан бошлаб Тошкент ва Милан ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани туристлар оқимининг ошишига хизмат қилади.

Етакчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар, энг аввало, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Афғон халқига манзилли гуманитар ёрдамни давом эттириш ҳамда махсус вакилларнинг маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Сержо Маттареллани мамлакатимизга рас-

мий ташриф билан келишга таклиф этди.

Рим шаҳридаги расмий тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кижисаройида Италия Республикаси Вазирлар кенгаши Раиси Жоржа Мелони билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Италия заминидан кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун дилдан миннатдорлик билдирди.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ва ишончли шериги экани, кейинги йилларда сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик фаоллашгани қайд этилди.

Бугун стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилган, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мисли кўрилмаган юксак даражага чиқди. Ушбу, ҳеч мунобағсиз, тарихий воқеа Ўзбекистон — Италия кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришда янги муҳим босқичнинг бошланишидир.

Бош вазир Жоржа Мелони Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни ҳамда уларнинг муваффақиятига ишончишни билдирди.

Етакчилар муносабатларни устувор йўналишларда янада мустақамлаш истиқболларини батафсил муҳокама қилдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш асосий вазифа экани таъкидланди. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми кейинги йилларда икки баробар кўпайди. Металлургия, энергетика, электротехника ва бошқа тармоқларда Италиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

Амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиб, томонлар технологик ва инновацион шериклик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини қайд этдилар.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Маданият, италян тилини ўрганиш, таълим ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш учун катта салоҳият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Бош вазир Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда шериклик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустақамлаш борасидаги сайёҳ-харакатларини қўллаб-қувватлади ҳамда “Италия — Марказий Осиё” ҳамкорлик формати янада ривожлантиришга чاقирди.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар экан, афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишни, шу жумладан, Термиз шаҳридаги логистика маркази имкониятларидан фойдаланган ҳолда давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Италия Бош вазир Жоржа Мелонини ташриф билан мамлакатимизга келишга таклиф этди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Вазирлар кенгаши Раиси Жоржа Мелони икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Етакчилар ҳузурида кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган 11 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатларни алмашиш маросими ҳам бўлди. Ҳуқуқий масалаларда, саноат мулк ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам-

корлик қилиш тўғрисидаги битимлар шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги билан Италия савдо агентлиги ўртасида реставрация соҳасида, Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш фонди ва Италия Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда 2026 йилга қадар маданий алмашинувлар дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Италияга расмий ташрифнинг биринчи кунда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) офисига ташриф буюрди ва унинг бош директори Цюй Дунъюй билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан ушбу муҳим икти-сослаштирилган халқаро институт ўртасидаги ҳамкорлиқни, энг аввало, аграр тармоқни модернизация қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби устувор йўналишларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йиллардаги самарали ҳамкорлик натижаларини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистонда ФАО офиси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Охири бир неча йилда ҳамкорлик портфели уч баробар кенгайди ва бугунги кунда ер ва сувдан фойдаланиш, агросаноат мажмуи, ўрмон хўжалиги, экология, қорвачилик ва қўллаб-бошқа йўналишларни қамраб олган.

Глобал микёсда озиқ-овқат хавфсизлигига хатарлар қучайиб бораётган шароитда шериклиқни янада кенгайтиришдан томонлар манфаатдор экани қайд этилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, фундаментал илмий тадқиқотлар, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал қилиш ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳа ва тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган 2030 йилга қадар ҳамкорлик бўйича янги кенг қўламли дастурни ишлаб чиқиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

ФАО шафелигида Самарқандда ўтказиладиган юқори даражадаги халқаро конференцияга тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бош директор Цюй Дунъюй Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилишга қаратилган таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлади.

Шу билан биринчи куннинг тадбирлари якунланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Римдан Милан шаҳрига келди.

“Мальпенсе” аэропортида олий мартабали меҳмонни Ломбардия вилояти раҳбарияти кутиб олди.

9 июнь куни давлатимиз раҳбари ушбу ҳудуд губернатори билан учрашади ҳамда Италиянинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказди.

“ITMA 2023” тўқимачилик машинасозлиги бўйича энг йирик халқаро кўргазмага ташриф буюрилиши ҳам режалаштирилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

2023
9-IYUL

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Раҳмон Маҳмудовнинг Сайловолди дастуридан илгари олган таъхиротларга ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг. >>>

ЕХҲТ ДИИХБнинг сайловни қузатиш миссиясининг асосий гурӯҳ вакиллари билан учрашув

Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИХБ)нинг мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини қузатиш бўйича миссиясининг асосий гурӯҳ вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда МСК Раиси З. Низомжўаев миссия раҳбари, элчи Урсула Юзефа Гачек, унинг ўринбосари Алиқсий Личковах ҳамда миссия экспертлари Анна Меликян ва Маша Янушевич билан мулоқот олиб борди.

Учрашув чоғида шу кунларда мuddатидан ил-

гари Президент сайлови кампанияси тобора қизғин паллага кириб бораётгани, бу масъулиятли жараён Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайлов кодексига белгиланган тартибларга биноан изчиллик билан мувофиқлаштириб борилаётгани таъкидланди.

Дунё нигоҳи

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги яна бир тарихий қадам

Пекинда мuddатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловиغا бағишланган давра суҳбати ташкил этилди

Мамлакатимизнинг Пекиндаги ағъонхонаси томонидан Хитойнинг нуфузли тахлилий марказларидан бири — Хитой халқаро муносабатлар академияси (ХХМА)да мuddатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловиغا бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Марказий Осиё бўйича хитойлик экспертлар, сиёсий-таҳлил доира вакиллари, академия илмий ходимлари иштирок этди.

Иштирокчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Мuddатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловиغا тайёргарлик жараёнидаги алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, мамлакатимизда

амалга оширилган конституциявий ислохот юзасидан фикр алмашилди.

Хитойлик экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим асос бўлаётганини таъкидлади.

Давра суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама стратегик шериклиқни мустақамлаш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Мутахассисларнинг фикрича, Хитой ва Ўзбекистон ҳам икки томонлама муносабатлар доирасида, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари — БМТ, ШҲТ, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси, “Марказий Осиё — Хитой” мулоқоти доирасида фаол, самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмоқда.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Маҳкалша шаҳрида (Дюгистон Республикаси) Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳамкорлик бўйича комиссиясининг 8-йигилишида иштирок этди.

Анжуман

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Айни чоғ-

да икки давлат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, комиссия аъзолари томонидан фан, таълим ва туризм йўналишларидаги алоқаларни мустақамлаш, мамлакатларимизнинг мазкур соҳалардаги имкониятларидан кенгрок фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Таҳлил

Ўзбекистон — ЕОИИ: ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Шу йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг ўттинчи йигилишида видеоалоқа орқали иштирок этди. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши минтақавий иқтисодий интеграция халқаро ташкилоти сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)нинг асосий органи ҳисобланади.

Мулоқотда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ЕОИИ ҳузуридаги қузатувчи давлат сифатида ташкилот доирасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий

ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган кўп томонлама тадбир ва лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

ЕХҲТ ДИИХБнинг сайловни қўзатиш миссиясининг асосий гуруҳ вакиллари билан учрашув

Хусусан, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича Календарь режасига мувофиқ сайловни ўтказувчи 14 та округ ва 10 минг 783 та участка сайлов комиссиялари шакллантирилиб, Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва тезкор ахборот маркази фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар 229 нафар оммавий ахборот воситалари вакили аккредитациядан ўтказилди ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бошқа қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ошқоралик бериш мақсадида тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотлар, энг аввало, сайловчиларга ҳамда сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тезкорлик билан етказилаётгани ҳусусида айtilди.

Учрашувда ЕХҲТ ДИИХБнинг Ўзбекистонда ўтказилган сайловларни қўзатиш миссияларининг хулосалари бўйича ҳисоботларидаги тавсияларни миллий қонунчилигимизга ва амалиётга имплементация қилиш, сайловларга оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, миссия раҳбари, элчи Урсула Юзефа Гачек ДИИХБ миссиясининг асосий гуруҳ вакиллари тажрибали экспертлардан, шу жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, медиа ҳамда сайлов соҳасидаги тахилчилар, ДИИХБ ходимлари ва маслаҳатчиларидан иборат бўлишини қайд этди. Айни чоғда асосий гуруҳ экспертларидан ташқари миссия тарихига узок муддатли қўзатувчилар ҳам қўшилиши ҳамда ЕХҲТ ДИИХБ ўртасида самарали ҳамкорлиқнинг мустаҳкамланиб борилаётганидан мамнулигини билдирди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРИНИ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қайд этилганидек, ҳозирги пайтда Россия Федерацияси олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 46 минг нафарни ташкил этади. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ушбу давлатнинг 14 та олий ўқув юрти филиаллари фаолият олиб бормоқда.

Шулардан келиб чиқиб, йигилиш иштирокчилари томонидан Россияда Ўзбекистонлик талабалар учун янада қулай шарт-шароит яратиш, юртимиз фуқаролари учун ушбу давлат олий ўқув юртиларида бюджетдан ажратилган квоталар сонини кўпайтириш масалалари таҳлилдан ўтказилди.

Йигилишда Ўзбекистонда, айниқса, ЮНЕСКОнинг турли рўйхатларига киритилган диққатга сазовор жойлар қўлини, Самарқанднинг маданий пойтахт сифатидаги аҳамияти, Бухоро ва Хиванинг Россиялик сайёҳлар учун жозибадорлиги ҳам қайд этилди. Айни чоғда комиссия аъзолари томонидан туристик алмашинувларни кенгайтиришга катта қизиқиш билдирилди. Қолаверса, дин ва маданиятлар ўхшашлигини инобатга олиб, зиёрат туризмининг янада ривожлантириш таклиф қилинди. Шу нуктаи назардан, Маҳачқалъа — Дербент — Самарқанд — Бухоро йўналиши бўйича «Олтин ҳалқа» туристик йўналишини ишлаб чиқиш госяи илгари сурилди.

Мазкур масаланинг мантикий давомий сифатида ишбилармонлик ва маданий алоқалар ривожига ҳамда сайёҳлар оқимининг кўпайишига катта ҳисса қўшаётган Маҳачқалъа ва Тошкент ҳамда Бухоро ўртасида ҳар йўлғи бўйича парвозлар сонини оширишга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, томонлар Ўзбекистонда Доғистоннинг машҳур халқ шоири Расул Ҳамзатов таваллудининг 100 йиллигига таъйёргарлик қўриш ва уни жорий йўлғида қўзда нишонлаш масаласини муҳокима қилди.

Йигилишда таъкидланганидек, айни пайтда Доғистонда 8 минг нафар Ўзбекистон фуқароси иқтисодиётнинг турли тармоғида меҳнат қилмоқда. Доғистон мактаб-

ларида 200 дан зиёд Ўзбекистон фуқаролари фарзандлари таълим олаётди. Табиийки, буларнинг ҳуқуқларини ишончи таъминлаш, қулай яшаш шароитлари яратиш, меҳнат ва билим олиш имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам комиссия йигилиши қатнашчилари диққат марказида бўлди.

Анжуманда Ўзбекистонда доғистонлик адиблар асарлари, шунингдек, Доғистонда ўзбек замини алломалари ва улуг мутафаккирлари китобларини таржима қилиш ва нашр этиш билан боғлиқ ижобий саноат-харажатлар қўзатилаётгани ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Музокара давомидида Ўзбекистонда Доғистон, Доғистонда Ўзбекистон маданияти кўнарлини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш масаласи ҳам муҳокима қилинди.

Комиссия аъзолари томонидан Доғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, уюшмалар, маънавий-маърифий ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга хизмат қиладиган сайёҳлик кўргазмалари, форумлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда ўзаро иштирок этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Россия парламентлари юқори палаталарининг конфессиялар ва миллатларга ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдаги роли масаласи ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Учрашув якунлари бўйича Парламентлараро комиссиянинг навбатдаги йигилишини Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидан бирда ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари таъриф доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига бағишлаб бўёнд этилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйиб, жанг майдонларида ҳалок бўлган доғистонлик аскарлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

«ПРОБАЦИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА ҚАНДАЙ ЗАРУРАТ БОР ЭДИ?

Пробация хизмати суд ҳукми ёки ажримига кўра озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазо ижро этилишини таъминлайди.

Муҳими, мазкур шахсларнинг ижтимоий мослашувиغا, ўқиш ва ишга жойлаштиришга ҳамда уларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилишига қўмақлашади. Айни чоғда назоратдаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Олий Мажлис Сенатиди бўлиб ўтган йигилишда парламент юқори палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва шу тузилма ишчи гуруҳи аъзоларига қонун ишдоркорлари томонидан «Пробация тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқишга бўлган зарурат, унда кўзда тутилган нормалар мазмун-моҳияти батафсил тушунтириб берилди.

Қонун ишдоркорлари сўзларига кўра, бугунги кунда республикаимизда суд томонидан таъинланган аҳоқ тузатиш, озодликни чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва мажбурий жамоат ишлари жазоларини ижро этиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг ҳулқ-атво-

ри устидан назорат қилишни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмасди. «Пробация тўғрисида»ги қонун шу масалаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Қайд этилганидек, янгиланган Конституцияимизда давлат қурилишининг стратегик мақсади ижтимоий давлат қўриш эканлиги белгилаб қўйилди ҳамда ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди.

Бинобарин, мазкур қонунда ҳам пробация назоратидаги шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқларига сўзсиз ривоят этилишини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгилаб қўйилмоқда. Айниқса, пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштиришга қаратилган нормалар қонунда акс эттирилаётгани уларнинг тақдирини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Сенаторлар ва ишчи гуруҳ аъзолари қўриб чиқилган масалалар юзасидан ўз фикр ва тақлифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Нуктаи назар

ЯНГИЛАНИШЛАР СОЛИҚ ЮКИ КАМАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз солиқ тизимида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Натижада солиқ соҳасида мутлақо янги — адолатли, шаффоф ва изчил тизим яратилди.

Ўтган етти йилда солиқ тизимини ислох қилишга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, янги тахрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, унда тўғридан-тўғри қўлланивчи нормалар жорий этилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. 2026 йилга бориб иқтисодиётда солиқ юқини 25 фоизгача камайитириш мақсади қилинган.



Жадал ислохотлар натижасида солиқ юки босқичма-босқич камайитирилмоқда. Қонунчиликда солиқ тўловчилар қарзини дебитор ташкилотлардан ундириш ҳамда улардан ортиқча тўлов олиш кўринишидаги солиқ ундириш тажрибасига чек қўйилди. Бу каби ҳолатлар қайд этилган тақдирда ортиқча тўлов суммасини қайтариш билан бирга, ҳар бир кечиктирилган кун учун фоиз тўлаш тартиби ҳуқуқий нормалар орқали амалиётга киритилди.

Солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш ваколати давлат солиқ хизмати органлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириди.

Солиқ имтиёзлари фақат қонун билан берилиши қатъий қилиб белгилаб қўйилди. Айниқса, кодексга янги тушунча «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари» моддаси киритилиши солиқ тўловчиларга имтиёз тақдим қилишда муҳим қадам бўлди.

Вақтинчалик солиқ имтиёзларининг жорий қилиниши пандемия инқироз оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархининг барқарор эмаслиги каби салбий омиллар таъсирини юм-

шатишга, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, солиқ юқини камайитиришга қаратилган ислохотларни давом эттирган ҳолда солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилиниб, унга кўра қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди. Жами даромади илк марта 1 млрд. сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари учун бир йил давомида жами даромади илк марта 10 млрд. сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари учун эса 2 йил давомида фойда солиғи ставкаси

БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Кейинги пайтларда банк тизимини трансформациялаш, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда.

Трансформация жараёنлари хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси асосида амалга оширилмоқда. Ушбу стратегия келгуси беш йилликда банк-молия тизимини ислох қилиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўз ичига олади.



Стратегияга мувофиқ, банкларни комплекс трансформация қилиш доирасида банклар томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари билан биргаликда асосан 5 та йўналишда:

- корпоратив бошқаруви такомиллаштириш;
- банкларда замонавий ахборот технологияларини татбиқ қилиш;
- банкнинг ташкилий тузилмасини мақбуллаштириш;

— банкнинг риск-менежмент тизимини такомиллаштириш;

— банкнинг бизнес моделларини оптималлаштириш орқали улар фаолиятини бозор тамойиллари асосида ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва амалий чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунга келиб жами банк сектори активларидаги давлат улуши 2020 йилдаги 86 фоиздан 78 фоизгача камайди. «Ипотека-банк»даги давлат улуши тўлиқлигича хусусийлаштирилганидан сўнг мазкур кўрсаткич 70 фоизгача пасайиши кутилмоқда.

Шунингдек, ФАТФ тавсияси ва халқаро тахрибадан келиб чиққан ҳолда банкдаги улушларга эғалик қилиш бўйича банк акциядорларига қўйиладиган талаблар юмшатилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида ҳам иқтисодий соҳада фол ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқаро амалиётдан келиб

ОЧИҚ ВА ОШКОРА МУЛОҚОТ

бюджет жараёни натижадорлигини оширади

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, уларнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари қонун билан тасдиқланганда. Давлат бюджетини тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин жамоатчилик муҳокамаси учун махсус портали жойлаштирилмоқда. Бу каби омиллар ўз навбатида, Давлат бюджетининг ҳар бир бандида кўзда тутилаётган маблағларни оқилона тақсирли қилишда, уларнинг мақсадли сарфланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаффофлик ва очиқлиқни таъминлашга қаратилган саноат-харажатлар натижасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Манзилли бюджет харажатлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун «Очиқ бюджет» портали ишга туширилди. Унда Давлат бюджетини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ва Ҳисоб палатаси хулосалари эълон қилиниб боришмоқда.

Порталга жамоатчилик фикрини шакллантириш учун шахар ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштириш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисида маълумотлар жойланмоқда. Шу билан бирга, фуқаролар портал орқали бюджет қонунчилиги бузилаётгани ҳақидаги хабарларни, бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича тақлифларни юбориши мумкин.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги

ва натижадорлигини таъминлашда мақсадли индикаторлар доирасида Дастурий бюджетлаштириш тизимини ҳам йўлга қўйилди. Ушбу тизим бюджет соҳасидаги қонунчилик доирасида бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш имконини беради. Шунингдек, ўрнатилган назорат тизими вазирликлар ва идораларнинг устувор ва эффарлар бўйича белгиланган мақсадларга эришиши ва уларнинг ижроси юзасидан жавобгарлигини кучайтириш.

Янги тахрирдаги Конституцияимизда ҳам Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиби-таомиллари очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Мазкур нормалар Давлат бюджетини шакллантириш, унинг даромад ва харажат қисмларини белги-

лаш, ижросини таъминлашда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш, уларга бу жараёнда кенг ва фаол қатнашиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун тегишли ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар яратди.

Давлат бюджетидан мақсадли фойдаланишнинг таъминлаш аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга мўлҳот аҳоли қатламларига зарур ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа барча соҳасида самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Қисқача айтганда, фуқаролар билан очиқ ва ошқора мулоқотнинг йўлга қўйилиши бюджет жараёни самарадорлигини оширади, бюджет тизими, барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини шакллантириш ва ижро этилиши тўғрисида аҳолининг хабардор бўлишини таъминлайди.

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҲАМ СИФАТ, ҲАМ ҚАМРОВГА ЭЪТИБОР

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан бири саналади. Лекин ақингача мамлакатимиз молия бозорида унинг ўрни етарли даражада эмасди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз миллий суғурта бозорини янада ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига ишончини кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.



Уларнинг сони 2017 йилдагига нисбатан деярли 2 мартага ошган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ушбу соҳада янги даврни бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди. Чунки ушбу қонунда суғурта соҳаси комплекс қамраб олинган бўлиб, суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди.

Аҳамиятисиз, мазкур ҳужжат билан суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш, суғурта бозорини инвесторлар учун жозибадор бўлишини таъминлаш, электрон суғурта тизими ва суғурта фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий база шакллантирилди. Натижада тўғридан-тўғри ҳаракат қондалари ва соҳадаги муносабатларни бошқаришнинг ягона механизми жорий этилди.

Шунингдек, суғурта соҳасида пруденциал назорат усулларини, корпоратив бошқарувининг замонавий механизмларини қўллаш, суғурта хизматларининг электрон турлари, шу жумладан, онлайн суғурталашнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари такомиллаштирилди. Қонунда суғурта ташкилотларини акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этиш бўйича талаблар ҳам белгиланди.

Суғурта фаолияти мувофиқлаштирилишининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши натижасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тизими жаҳон стандартларига мослаштирилди. Унга кўра, юз берган йўл-транспорт ҳодисаларини ваколатли органлар (йўл ҳаракати хавфсизлиги, суд органлари) иштирокисиз кўриб чиқишнинг соддалаштирилган «Европротокол» тизими жорий этилди. Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда яқка тартибдаги тадбиркорга ташувчи мақоми берилиб, улар томонидан ташилладиган йўловчиларнинг хавфсизлиги суғурталаниши белгиланди.

Шу билан бирга, қонунчилик ҳужжатлари билан экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта муқофотининг 100 фоизи, лекин суғурта пулининг 1,0 фоизи (ҳозирги кунда 0,5 фоизи)дан ортиқ бўлмаган қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан компенсация қилиб берилади.

Мухтасар айтганда, суғурта иқтисодиётда фоят муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда ушбу соҳа ўзгаришларга юз тутди, соҳада кескин янгиланишлар рўй берди. Бу саноат-харажатлар натижасида суғурта хизматлари сифати ва қамрови янада кенгайиб, аҳолининг ишончи ортмоқда.

Жавлонбек ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Халқ сўзи»